



Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

Habar@aci.uz

1992 yil martdan chiqqa boshlagan

2003 yil, 30 may, 22 (559)-son

Sotuvda narxi erkin

ТЕХНИК СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мажлислари заводи "Alcatel" компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда "UzInfoCom" маркази ҳамкорлигида техник семинар бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари М.Махмудов кириш сўзи билан очиб, компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот технологияларини жорий қилишга ҳукумат миқёсида эътибор қаратилаётган бир вақтда мазкур семинарнинг ўтказилиши соҳа олдидан турган баъзи вазифаларнинг амалга оширилишида ўз самарасини беришига ишонч билдирди.

"Alcatel" компанияси мамлакатимизда 1994 йилдан буён алоқа соҳасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. "Alcatel" жаҳоннинг энг йирик компанияларидан бири бўлиб, унинг 77 миндан зиёд ходимлари дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатларида хизмат қилади. Компаниянинг савдо айланмаси 16,5 млрд. еврога тенг.

Хозирда компания замонавий техника ва технологияларни жорий этишдан ташқари соҳанинг бошқа йўналишларида ҳам фаолият олиб бормоқда. Мамлакатимизда "Alcatel" технологиялари асосида 170000 порт улиниб, хизмат кўрсатиши таъминланган. Мазкур маълумотларни "Alcatel" компаниясининг Ўзбекистондаги вакили Олег Хан семинар иштирокчиларига маълум қилди. Шундан сўнг компания вакили Гелмут Зейферт (Австрия) "Alcatel"нинг Маълумотлар узатиш ва тизим бўйича маълумотларини изоҳлаб берди.

Семинар давомида "AL-BETA" компанияси директори ўринбосари Олег Минзянов OmniPCX 4400, OmniPCX Office, OmniPCX Enterprise технологияларининг коммуникация соҳасида қулайликларига тўхталиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Ушбу семинар доирасидаги тўлиқ маълумотларни www.UzInfoCom.uz манзилдан олишингиз мумкин.

Ўз мухбиримиз

"СОЛИБОД"ДА СТАНЦИЯ

Термиз туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалигида қарашли қишлоқларда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Гап бу манзилдаги шаҳарга тўташ жойлашганида эмас, балки ақил жоманинг узоқни кўра билан оладиган раҳбарга ётганлигидadır.

Дарвоқе, олий маълумотли мутахассис Жонмурод Ерматов хўжалик юртини яхши билди. Олинган даромаднинг бир қисmini меҳнатқашлар турмуш фаровонлигини ошириш учун сарфлашга ҳаракат қилиб келмоқда. Натижада хонадонлар тўла газлаштирилди, ичимлик сув муаммоси ҳал этилди, кўчалар раван қилиниб, одамларга катта қулайликлар яратилди.

"Дўстлик"да алоқа хизмати ҳам кенг йўлга қўйилган. Ранс бу ижтимоий масалада мутасаддилар билан бир неча бор амалий мулоқотлар олиб борди. Шундай ҳамкорликлар эвазига "Солибод" маҳалласида янги телефон станцияси ишга туширилди. Бунинг учун аввало, аҳолининг телефон хизматига бўлган талаби обдон ўрганиб чиқилди. Мавжуд 200 рақамга мўлжалланган АТС "Солибод"га кўчирилди, 100,2000 русумли АТС 500 рақамга айлантирилди. Янги иншоот

Термиз шаҳридаги АХЕ-10 станциясига ИКМ-15 аппаратураси билан тўғридан-тўғри боғланди. Шундай қилиб қишлоқ меҳнатқашларининг узоқ манзиллар билан гаплашиш учун Термиз шаҳрига қатнаб юришига ҳолат қолмади. Улар "Солибод" станциясини қуришда фаол қатнашган "Сурхондарё Телеком" филиали ва Термиз телекоммуникация боғламаси ходимларидан беҳад миннатдордирлар.

Агар хўжалик қўриқмаганида янгилик эшиги очилмаган бўларди. Бутун мижозлар яратилган катта имкониятдан кенг фойдаланмоқдалар. Шунинг учун ҳам янги станциянинг ишга туширилиши байрамга айланиб кетди. Унинг очилиш маросимида Термиз тумани ҳокими Абдурахмон Файзиев, "Сурхондарё Телеком" филиали директори Усмон Ашуров ва бошқалар иштирок этиб, йирилганларни "Обод маҳалла йили"нинг қўвончи воқеаси билан муборакбод этди.

"Солибод" станцияси "Дўстлик" ширкат хўжалигида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ривожига катта ҳисса қўша ажаб эмас.

Н.ЗИЁЕВ,
Сурхондарё вилояти

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳасининг иккинчи босқичи бўйича оптик толали кабел магистрал қурилиши бошланиши муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Избосаров очди. Тадбирда Агентлик қорхона ва ташкилотлари, хорижий компаниялар ҳамда Тошкент вилояти хокимлигидан вакиллар иштирок этди.

Агентликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил, 1 августдаги "2010 йилгача Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва реконструкция қилиш Миллий дастури тўғрисида"ги 307-сонли ва 2002 йил, 6 июндаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 200-сонли қарорларини бажариш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) ўртасида имзоланган кредит келишувига асосан мамлакатимиз телекоммуникация тармоғини ривожлантириш учун JBIC банки томонидан 12 692 млн. япон йени миқдорда имтиёзли кредит ажратилган. 2000 йилнинг 26 апрелида лойиҳа на амалга ошириш учун халқаро маслаҳатчилар ўртасида ўтказилган тендер натижаларига асосан Detecon/Nt+ti/Infocom конкорциуми ва "Ўзимпэксалоқа" АЖ ўртасида шартнома тузилди.

2001 йил, 28 майда эса Detecon/Nt+ti/Infocom конкорциуми ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Унда 11 та йирик хорижий компаниялар иштирок этди. Натижада Иточу, Марубени, Мицубиши, Мицуи, Ничимен & Роде Шварц ҳамда Канэмацу компаниялари ўзларининг замонавий телекоммуникация қурилмаларини ишлаб чиқарувчи ва қурувчи ҳамкорлари билан биргаликда кейинги босқичга ўтишди. 2001 йилнинг декабрида дастлабки квалификациядан ўтган компаниялар ўртасида тендер ўтказилди. Ундан Мицуи ва Мицубиши компаниялари муваффақиятли ўтиб, биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Хўжаев («Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассисларни тайёрлаш») ва ТАТУ «Дастурлаш технологиялари ва алгоритмлаш» кафедраси мудири Ш.Назиров («Таълимни ахборотлаштириш муаммолари»)лар маъруза қилдилар. Маърузаларда фундаментал ва махсус фанларни ахборот ва коммуникация технологиялари асосида чуқур ўзлаштиришга асосий база яратиш, янги педагогик технологиялар бўйича дарс ўтиш услуби, таълим муаммолари бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш ҳақида сўз юритилди.

НАМКОРЛИК УФОЛАРИ

"Ўзимпэксалоқа" АЖ Мицуи компанияси билан 1,2 ва 4-лотлар бўйича шартномаларни имзолади ва бу шартномаларни амалда бажара бошлади.

Оптик толали кабел ётқириш ишларини амалга оширишда Salin Financial Services ва "Aloqainvest" АЖ қорхоналари иштирок этаяптилар. Курилма ва кабеллар Япониянинг NEC, Fujikuga компаниялари томонидан етказиб берилмоқда.

Хозирга келиб Тошкент шаҳрига 48 та кон-

ЛОЙИХАНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ АМАЛДА



тейнерда қурилмалар келтирилди. Шулардан оптик толали кабел 717 км.ни ташкил этади. Жорий йил давомида ажратилган имтиёзли кредитнинг 35 млн. АҚШ доллари миқдориди ҳам маблағ инвестиция қилиниши кўзда тутилмоқда. Ушбу лойиҳа бўйича 37 000 рақамга мўлжалланган автоматик телефон станциялари ўрнатилиши, 185 та узатиш тизимлари, 2697 км. оптик толали кабеллар ётқирилиши, 63 та телевидение ва 36 та радиозастириш узаткичлари реконструкция қилиниши ва ривожлантирилиши кўзда тутилган.

И. АХМЕДОВ

АНЖУМАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси «Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2003 йил, 1 апрелдаги 43-сонли Олий таълимни фундаментализациялаштиришга бағишланган республика илмий-услубий конференциялар ўтказиш тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнига ҳозирги замон ахборот технологияларини татбиқ этишни мукамаллаштириш мақсадига Тошкент ахборот технологиялари университетидида «Ахборот технологиялари ва таълим муаммолари» мавзусида республика илмий-услубий конференцияси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятлар олий ўқув юртлиари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва

ахборотлаштириш агентлиги ҳамда қатор алоқа соҳаси компания ва ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Конференция иши тўрт секция — фундаментал фанларни ўқитиш муаммолари, таълимда ахборот технологиялари, телекоммуникацияларда ахборот технологиялари ҳамда иқтисодиёт ва бошқарувдаги ахборот технологиялари доирасида олиб борилиб, уларда 120 дан ортиқ маърузалар тинланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Ш.Аюпов («Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи бўйича вазифаларни амалга оширишда ахборот-коммуникация технология-

ларининг тутган ўрни»), Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Хўжаев («Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассисларни тайёрлаш») ва ТАТУ «Дастурлаш технологиялари ва алгоритмлаш» кафедраси мудири Ш.Назиров («Таълимни ахборотлаштириш муаммолари»)лар маъруза қилдилар. Маърузаларда фундаментал ва махсус фанларни ахборот ва коммуникация технологиялари асосида чуқур ўзлаштиришга асосий база яратиш, янги педагогик технологиялар бўйича дарс ўтиш услуби, таълим муаммолари бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш ҳақида сўз юритилди.

Ахборот технологиялари ривожланиб бораётган бир вақтда ўтказилган мазкур Республика илмий-услубий конференцияси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Йирилганлар ушбу конференцияни ҳар йили ўтказиш ва унинг ҳудудини кенгайтириш, анжуман тўғрисида маълумотларни керакли олий ўқув юртлиари ва ташкилотларга ўз вақтида етказиш ҳамда қўрилган мавзуларни чоп этиш лозимлиги каби муҳим тақлифларни билдирдилар.

У. ЙЎЛДОШЕВ

ҚОНУН ҲАММА УЧУН БАРОБАР

Жорий йилнинг март ойида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ва ҳудудий комиссиялар томонидан текширишларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари бажарилишининг таъминлигини юзасидан Давлат алоқа инспекциясида мониторинг ўтказилди.

Ўтказилган мониторинг натижалари Давлат алоқа инспекцияси ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан текширишларни тартибга солишда амалдаги қонунчилик талаблари бажарилиши бўйича муайян ишлар бажарилигани билан бир қаторда жиддий камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Ҳақиқатдан ҳам Давлат алоқа инспекциясининг ҳудудий бўлинмалари томонидан соҳада ҳўжалик юритувчи субъектларни танлаш ва текширишларни режалаштиришда айрим камчиликларга йўл қўйилиб, баъзи ҳолатларда инспекциянинг жойлардаги бўлинмаларида амалдаги мезонга риоя этилмаганлиги маълум бўлди. Жумладан, Давлат алоқа инспекциясининг Андижон вилоятидаги бўлинмаси томонидан текширишларни режалаштириш жараёнида Хонобод шаҳрида 6 та ҳўжалик юритувчи субъект бўлишига қарамай 2001 йил давомида уларнинг биронтаси ҳам режа-жадвалга киритилмагани ва текширилмагани, 2002 йили эса текширишларни режа-жадвалга киритиш учун ҳудудий комиссияга таклиф берилган бўлса-да, ушбу ҳўжалик юритувчи субъектлар текшириш тизимида бўлмаганлиги сабабли яна режа-жадвалдан тушиб қолганлиги аниқланди. Бундай камчиликлар вилоятдаги Қорасув шаҳри, Улуғнор ва Шаҳрихон туманлари ҳамда Наманган вилоятининг Мингбулок, Тўрақўрғон ва Чуст туманларида ҳам қайд қилинган.

Давлат алоқа инспекцияси бўлинмалари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишда буйруқдаги белгиланган муддатларни бузиш ҳолатлари кузатилди. Шунингдек, ДАИ томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга белгиланган муддатларда

текшириш якуни бўйича тузилган кўрсатмаларни кечикиб тақдим этиш ҳолатлари аниқланди. Масалан, Давлат алоқа инспекциясининг буйруғига қўра "Ўзбекистон почтаси" ДАКда текшириш ўтказилган, ammo текшириш якуни бўйича кўрсатма ушбу субъектга орадан 38 кун ўтиб тақдим этилган.

Адлия вазирлигида 15.05.2001 йилда рўйхатга олинган 917-1-сонли "Низоми" талабларига риоя қилиш тартиби ҳам бузилган. Бухоро вилояти Давлат алоқа инспекцияси ходимлари томонидан текширилган "Матбуот тарқатувчи" МЧЖнинг "Текширишларнинг рўйхатга олиш китоби" тўлдирилиши ўрганилганда, китобнинг 9,10-бандлари ҳам текширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан тўлдирилганлиги аниқланган.

Айрим ҳолатларда ўтказилган текширишларнинг ҳисоботи талаб даражасида юритилмаётир. Масалан, Навоий вилояти Давлат алоқа инспекциясида 2002 йили режалаштирилган 19 та текширишнинг барчаси ўтказилган бўлса-да, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссияга бошқа, инспекциянинг марказий аппаратида эса бошқа маълумотлар тақдим этилган. Бундай камчилик инспекциянинг Тошкент вилояти бўлинмасида ҳам такрорланган.

Қайд этилган камчиликлар Давлат алоқа инспекцияси фаолиятида йўл қўйиб бўлмайдиган нуқсонлар ҳисобланади. Қонун талаблари бузилишларнинг олдини олишда Давлат алоқа инспекциясининг ҳар бир ходими масъулдир.

Таъкидлаш жоизки, барча аниқланган камчиликларнинг асосий сабаби жойларда қонун, қонун ости ва меъёрий ҳужжатларни яхши билмаслик, ўрганмаслик ва амалда татбиқ этмасликдан келиб чиққан.

Касалини яширсанг иситмаси ошқор қилади, дейди халқимиз. Бу пурҳикмат мақолдан тўғри хулоса чиқарган Давлат алоқа инспекциясининг раҳбар ва мутахассис ходимлари ўз иш фаолиятларини қонун, қонун ости ва меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ташкил этадилар деб умид билдирамиз.

М.ХОЛҲУЖАЕВ,
Давлат алоқа инспекцияси бўлим бошлиғи

ТОҒ ЙЎЛИДАГИ ЙИГИТ

Гумматак кишлоғи денгиз сатҳидан анча баянда жойлашган. Дуоба кишлоғига тушиб келиш учун чамаси 4-5 чакирин йўл босилади. Оралик масофага яраша кабел ҳам келтирилган. Фақат уни тортиш осон эмас эди. Бойсун телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Сафар ака Худойқулнинг таклифи билан бу масъуляти ишга Жўрабек Жабборов жалб этилди.

Кишлоқ АТС бўйича етакчи мутахассисга шундай ишонч билдирилганда жон бор. Жўрабек аввало хизматдан бўйин товламайдиган йигит. Қолаверса, тоғ шаронтини яхши биладиган малакали қадр. Шу боис қандай тошириқ берилмасин доимо "лаббай" деб турди.

Шундай қилиб, Гумматакка йўл олган гуруҳга Ж.Жабборов бош бўлди. Улар ўша кунёқ вазифини бажаришга киришипти. Лойиҳа асосидаги иш анча енгил кўчса-да, барибир тоғу тошлар оша ишлаш машаққати билиниб турарди. Осмонлар тоғлар қўйинлиги мўъжазгина кишлоқ кўринган, чекилган заҳматлари орда қолиб, ташвишлари унутилгандай бўлди. Шу тарзда Гумматакка бўлган масофа қисқариб браверди.

Кўп ўтмай тоғ кишлоғига 20 рақамли кабел уланди. Фуқаро Т.Тошев хонадонига ўрнатилган телефон билан Бойсунга боғланар экан, қувончини яширолмади:

— Минг раҳмат сизларга, укалар. Қадимий кишлоғимиз тарихида унутилмас воқеа юз берди. Шу кунга қадар ҳешу ақраболардан ҳол-аҳвол сўраб

келиш учун тоғ йўлида гоҳ яёв, гоҳ от билан кўп юрардик. Энди эса Бойсун бир қадам бўлиб қолди.

Одамлар қувончига шерикликнинг ўзи бир бахт. Айниқса, шодликка сабаб бўлган ишга ҳисса қўшганинда ўзининг мисоли қушдай ҳис этасан. Жўрабек муҳандис дўстлари Ғайрат Тўрақуллов, Истат Пардаевлар билан бундай ҳаяжонли дақиқаларга кўп гувоҳ бўлган.

Тоғликлар ўз хонадонларидан телефон билан кредит карточкалари орқали исталган манзилга чиқиш имкониятига эга бўлди. "Дарбанд", "Сайроб" ва "Чилонзор" телефон станциялари учун ҳам шундай ускуна ўрнатилди.

Жўрабек Жабборов амалга оширилган савоб ишларда иштирок этаётгани билан фахрланди. Чунки юртдошлари узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Деярли ҳар кун тоғ йўлида эзгу мақсадлар учун ҳаракатланаётган бу йигитнинг орзу-умидлари ҳам доимо тоғ каби уялғаверишига тилакдошмин.

Нортоғжи ЗИЁЕВ,
Сурхондарё вилояти

КАСБГА САДОҚАТ

Сарқиткул Уринбоева "Қорақалпоқ почтаси" акциядорлик жамиятининг Ҳўжалик филиалига 1971 йили, ўрта мактабни тугатган ишга келди. У дастлаб сараловчиликнинг сир-асрорларини устози Жангил опа Қулчимонова, бригада бошлиғи Дўшимбет Қушқоқов каби тажрибали алоқачилар ёрдамида ўрганиб олди. Унинг ўз касбига астойдил меҳр қўйгани, тиришқоқлиги ва тинмай изланувчанлиги қатор тўсиқларни енгиб ўтишга қўл келди.

Сарқиткул ўзининг ҳалол меҳнатлари туғайли меҳнат жамоасида зўр оғури эътиборга лойиқ. Унинг тажриба мактабидан баҳраманд шогирдлари, ҳозирда бригада бошлиғи бўлиб меҳнат қилаётган Зибон Дўлмуҳамедова каби алоқачилар ундан бир умр миннатдор. Сарқиткул ҳамкасблари меҳрибон ва талабчан, филиалнинг жамоат ишларида фаол қатнашди. Филиалда бирон бир тадбир йўқ-ки, унда Сарқиткул иштирок этмаган бўлса.

Мана, корхонада меҳнат қилганига ҳам ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтди. Соҳларига оқ оралаган Сарқиткул олти нафар фарзанд онаси, беш неваранинг буvisи бўлди.

— Мен бахтиёр онаман, — дейди биз билан суҳбатда Сарқиткул. — Ўттиз йилдан буён турмуш ўртоғим Абдураҳмон билан тотув ҳаёт кечиряпмиз. Тилагим — юртимиз тинч, мени ардоқлаган жамоатдошларим ҳаммалари соғ бўлишсин.

Унинг ҳалол ва узоқ йиллик меҳнатлари муносиб баҳоланиб, қатор мақдон ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирланган. Яқинда Сарқиткул ўзининг элик ёшнини нишонлади.

Азиз ҳамкасбимиз Сарқиткул, барча алоқачилар номидан муборак ёшингиз билан чин қалбдан табриклинимиз, эл-юрт бахтига сиздек ўз касбига содиқ, ҳалол ҳамкасблар доимо бор бўлисин.

Раҳмонжон БОЛТАБОВЕВ,
"Қорақалпоқ почтаси" АЖ
Хўжайли филиали

МОСКВАДАГИ УЧРАШУВ

Жорий йилнинг феврал ойида Иккинчи жаҳон уруши тақдирини ҳал қилган Сталинград шахри ва унинг теварагида душман устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги нишонланди. Ўша жангларда ҳамюртимиз, айни дамда Тошкент ахборот технологиялари университети доценти Иброҳимжон Исомидинов ҳам армиянинг 3-ғавради таркибидagi 94-алоҳида ўқчи бригадаси артиллерия кузатувчи-разведкачи сифатида қатнашган эди.

Собиқ Иттифоқ армияси Сталинградда душманнинг фелдмаршал Паулов кўмондонлигидаги уч юз минг аскар ва зобитларини қамал қилиб олган эди. Гитлер ва немис ҳарбий кўмондонлиги қамалдаги қўшинни озод қилиш мақсадида кўп сонли танклар билан қуролланган, катта қучта эга армияни генерал Менштейн бошчилигида Сталинградга жўнатди. Ўртада шиддатли жанглар бошланди. Ниҳоят, катта талофат қўрган Менштейн қўшинлари орта чекинишга мажбур бўладилар. Натижанда Сталинградда қуршовдаги уч юз минглик душман армияси таглим бўлди. Кўп вақт ўтмай Сталинград, Ростов вилоятлари ва Украина ҳудуди душмандан озод этилди.

Бу тарихий жангларда ўзбекистонлик жангчилар нималарни қодир эканликларини кўрсатишди. 94-алоҳида ўқчи бригадасининг кўпбал аскар ва зобитлари жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди. Икки нафар ҳамюртимиз — Файзулла Норҳўжаев ва Собиржон Охунжоновлар генерал ҳарбий унвонига сазовор бўлди. Ҳозирги вақтда генерал-

лейтенант Собиржон Охунжонов бир гуруҳ уруш фахрийларини бирлаштириб, республикамиз миллий қўшини қошидаги Марказий музейда ташкил этилган маслаҳат кенгашига раҳбарлик қилиб келмоқда. Иброҳимжон Исомидинов ана шу кенгаш аъзоси.

И.Исомидинов Сталинград жангларини иштирокчиси ва "Нуроний" жамғармаси тавсияси билан республикамиздан ягона вақил сифатида 2003 йил, 9 май кунини Москвада ўтказилган ҳарбий тантаналарда қатнашди. Бу тантаналарга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан 11, бошқа давлатлардан 6, Россия Федерациясидан 23, жами 40 нафар уруш фахрийси таклиф этилди.

И.Исомидинов Россия Президенти В.Путин меҳмони сифатида 7-10 май кунини Москва шаҳрининг диққатга сазовор тарихий жойларини, Иккинчи жаҳон уруши музейи ҳамда Кремлин бориб кўришга, 9 майда Қизил майдонда ўтказилган Ҳарбий парадни трибунада туриб томоша қилишга муваффақ бўлди ва Кремлда уюштирилган қабул маросимига таклиф этилди. Домламиз Россия давлат раҳбарлари ва маршалларининг эсалик дастхатларини олиб қайтди.

Қатор жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган, Президентининг Фармони билан "Жасорат медали"га сазовор бўлган Иброҳимжон Исомидинов ТАТУнинг "Ўзбекистон тарихи" кафедрасида сиққилистан меҳнат қилиб талабаларга таълим ва тарбия беришда ҳам намуна кўрсатиб келмоқда. Биз шогирд ва жамоатдошлари у кишига узоқ умр тилаб қоламиз.

ТАТУ "Ўзбекистон тарихи"
кафедраси жамоаси

SPORT

АЛОҚАЧИЛАР БАҲСИ

Жорий йилнинг 20-23 май кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетининг спорт мажмуасида Республика алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий кўмитаси томонидан Тошкент шаҳар алоқа корхоналари жамоалари ўртасида спортнинг волейбол (аёллар), стритбол (эркаклар), стол тенниси (эркаклар ва аёллар), енгил атлетика (эркаклар ва аёллар) турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Кўтаринки руҳ ва муросасиз тарзда ўтган беллашуларда 150 дан зиёд киши иштирок этди ва қуйидаги натижалар қайд этилди.

ВОЛЕЙБОЛ БЎЙИЧА:

"Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиали жамоаси — 1-ўрин.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси — 2-ўрин.

"УЗПАК" жамоаси — 3-ўрин.

СТРИТБОЛ БЎЙИЧА:

"Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиали жамоаси — 1-ўрин.

"Тошкент Телеком" филиали жамоаси — 2-ўрин.

"УЗПАК" жамоаси — 3-ўрин.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

Аёллар:

Е.Дечкова (ТАТУ) — 1-ўрин.
В.Хан (Халқаро тезкор почта) — 2-ўрин.

Унинг ҳалол ва узоқ йиллик меҳнатлари муносиб баҳоланиб, қатор мақдон ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирланган. Яқинда Сарқиткул ўзининг элик ёшнини нишонлади.

Азиз ҳамкасбимиз Сарқиткул, барча алоқачилар номидан муборак ёшингиз билан чин қалбдан табриклинимиз, эл-юрт бахтига сиздек ўз касбига содиқ, ҳалол ҳамкасблар доимо бор бўлисин.

Унинг ҳалол ва узоқ йиллик меҳнатлари муносиб баҳоланиб, қатор мақдон ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирланган. Яқинда Сарқиткул ўзининг элик ёшнини нишонлади.

Азиз ҳамкасбимиз Сарқиткул, барча алоқачилар номидан муборак ёшингиз билан чин қалбдан табриклинимиз, эл-юрт бахтига сиздек ўз касбига содиқ, ҳалол ҳамкасблар доимо бор бўлисин.

Раҳмонжон БОЛТАБОВЕВ,
"Қорақалпоқ почтаси" АЖ
Хўжайли филиали

ТОШ КЎТАРИШ:

70 килограммгача вазн тоғфасида:

Х.Исаев (Махсус авария-тиклаш бошқармаси) — 1-ўрин.
А.Аширов (ТАТУ) — 2-ўрин.

Ж.Муталов (Республика телевидение узатиш маркази) — 3-ўрин.

90 килограммгача вазн тоғфасида:

С.Исмагуллаев (Махсус авария-тиклаш бошқармаси) — 1-ўрин.

А.Коротков ("Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиали) — 2-ўрин.

В.Трембак ("Ўзбекистон почтаси" ДАК) — 3-ўрин.

ОИЛАВИЙ МУСОБАҚАЛАРДА:

Абдуганиевлар оиласи (Ўзбекистон алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий кўмитаси) — 1-ўрин.

Хасановалар оиласи ("Ўзбекистон почтаси" ДАК) — 2-ўрин.

Вахриевлар оиласи ("Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиали) — 3-ўрин.

ОЛИЙ БАҲО – МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИ

(“Ўзбектелеком Интернейшл АЖ” ҚК иш фаолияти янги ташкилий шаклда)

“Ўзбектелеком Интернейшл АЖ” қўшма корхонасининг бугунги иш фаолияти ҳақида ёзишга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.АРИПОВ номига “Ўзи-Самарқанд” филиали мижози С.Логинава томонидан юборилган куйидаги мактуб туртки бўлди.

“... Мен Логинава Сайёра (Самарқанд шахри) Сизга миннатдорчилик билдириш мақсадида мактуб йўлламоқдаман. Яқинда уй телефонимнинг ишлаши борасида шикоят ёзган эдим. Эътирозим ўрганиб чиқилганидан буён телефон жуда яхши ишламоқда. Бунинг учун “Ўзи-Самарқанд” филиали директори Гера Фёдоровичга ҳам миннатдорчилигимни изҳор қиламан. Яна шуни эътироф этишим жоизки, 21 ва 22-АТСларда катта ўзгаришлар рўй берди. Хизмат ҳақини ҳисоб-китоб қилишга борганимда тартиб-интизомни кўриб ҳайратландим. Ҳаммаёқ озода, барча зарурий эълонлар, соат, трафарет осиб қўйилган, эски буюмлар ўрнини янгиси эгаллаган. Хуллас, мижозларга барча шароитлар муҳайё қилинган.

Бу ўзгаришларнинг ортида ким тургани билан қизиқдим. Ҳамма ишларни ўз қўлига олган инсон тажрибали мутахассис Ботир Холиқов экан. Афсус, у киши аввалдан бу ерда ишламаган. Ҳозирда иккита касса хизмат кўрсатяпти. Навбатда туриш йўқ, телефончиларнинг муомаласи ҳам бинойидек.

Алоқачиларимиздан жуда ҳам хурсандман. Умид қиламан-ки, алоқа хизмати янада яхшиланиб бораверади...

Хурмат билан
С.Логинава, 30.04.2003 йил.”

Бу хат қўшма корхона жамоасини жуда ҳам қувонтирди. Сабаби, айнан С.Логинаванинг ўзи телефонни уланган АТСда мижозлар билан ишлаш тўғри ташкил этилмагани ҳақида шикоят қилган эди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, “Ўзи” ҚҚга келиб тушаётган барча шикоятлар, хат ва таклифлар қатъий назоратга олинди ва ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал қилиниши бўйича чоралар қўрилади. Мижозларни бевосита корхона ёки юқори ташкилотларга шикоят қилишга мажбур этган ходимлар эса қилмишига яраша белгиланган тартибда жазосини олади. Корхона айби билан келиб чиқадиган шикоятларни

камайтириш ва умуман йўқ қилиш қўшма корхона ходимларининг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Бунга айниқса, 2002 йил, 1 июлда Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонаси фаолият тизимининг қайта ташкил этилишидан кейин катта эътибор қаратила бошланди. Ўшанда Жиззах, Самарқанд, Қарши ва Термиз каби вилоят марказлари шаҳар телефон тармоқлари базасида “Ўзи-Жиззах”, “Ўзи-Самарқанд”, “Ўзи-Қарши”, “Ўзи-Термиз” филиаллари ташкил қилинган. Сўнгги пайтлардаги ислохотлар барча таркибий бўлимлар иш фаолиятига ҳар томонлама баҳо бериш имконини берди. Ислохотлар натижасида Жиззах шаҳрида 3100 рақамли, Қарши шаҳрида 12688 рақамли хориждан келтирилган замонавий электрон АТСлар ишга туширилди. Шунингдек, “Ўзи” ҚК филиаллари мижозлари учун рақамли автоматик халқаро коммутацион телефон тизимлари орқали шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизматидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Ҳеч кимга сир эмаски, иш жараёнида кадрлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун қўшма корхонанинг тўлақонли фаолиятини таъминлаш мақсадида оддий ходимдан тортиб бош директор ўринбосаригача аттестациядан ўтказилиб, қўшимча машғулотлар олиб борилди. Комиссия таркибига “Ўзбектелеком” АК бош директори Х.Мухитдинов, Давлат алоқа инспекцияси республика ва вилоят бошлиқлари, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси раиси Т.Назаржонов ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раислари каби мутахассислар жалб қилинди. Аттестация давомида 818 нафар ходимдан 93 нафари ўз вазифасига лойиқ топилмади, 161 нафари эса маълум шарт билан синовдан ўтказилди. “Ўзи” ҚК раҳбарияти ўз касбини ардоқлаган, интилувчан, фаол ва билимли кадрларни саралашда ёрдам берган комиссия аъзолари хизматидан миннатдор. Жойлардаги аҳолининг яхшилинишида уларнинг ҳам улуши бекиёсдир.

Олиб борилган барча тадбирлар тартиб-қоида, мутахассислар тажрибаси ва билимининг ижобий томонга ўзгаришига туртки бўлди. Энг асосийси, буни одил ҳакам — мижозлар ҳам эътироф этмоқда.

Р.ФАЙЗУЛЛИН,
“Ўзи” ҚК Маркетинг бўлими менежери

“ИЧКИ” ҚЎНФИРОК

Россияда антика воқеа содир бўлди. Ростовлик Николай исмли киши иш



юзасидан муҳим учрашувга отланди. Бироқ шошилиб турганида мобил телефонини ҳечам тополмади. “Тинтув”ни тезлатиш мақсадида уйдаги оддий телефондан уяли телефонига қўнғироқ қилди ва қўнғироқ овози ёнида айланб юрган Ротвейлер зотли итининг ичидан чиқаётганини эшитиб каловланиб қолди. Озгига нима тушса ғажийдиган ит уяли телефонни ҳам назардан четда қолдирмаган эди.

Оила аъзолари бир овоздан уй эркатойини операция қилиш режасидан воз кечишди. Бу усулни ветеринар таклиф қилган эди. Ҳар сафар ит ҳолатхонага йўл олганда, бечора хўжайини ҳам унинг ортидан қолмади. У “йўқолган” нарсани “топиш”га умид қиларди. Ниҳоят, учинчи кунга бориб ҳақиқат қарор топди. Телефон ҳеч бир шикастсиз, қайта “дунёга келди”.

ТАИЛАНДА КОМПЮТЕР КАРОҚЧИСИ УШЛАНДИ



Таиланда АҚШ талабига кўра йигирма беш ёшли Украина фуқароси Максим Ковалчук ҳибсга олинди. Ковалчук Интернет тармоғига 3 миллион доллардан ортироқ турадиган дастурни сотганликда айбланмоқда. Таиланд ва АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари чоршанба кuni берган маълумотга қараганда, Калифорния полицияси Ковалчукни муаллифлик ҳуқуқини бузиш, сохта маҳсулотни сотиш ва ноқонуний маблағ топшида айбланмоқда. Айбланувчи Таиландга Украинадан дам олиш учун келган. Таиланд полицияси уни АҚШга юборишга тайёрланмоқда. Бироқ ҳибсга олинганнинг ўзи барча айбларни рад этмоқда.



РОССИЯ: ЭЛЕКТРОНЛАШИШ САРИ

Сўнгги пайтларда “Электронлашган Россия”, “Мамлакатни тўлиғича ахборотлаштириш” каби дастурларни амалга ошириш ва умуман ахборот технологияларини ривожлантиришга Россия ҳукумати ало-

тўрт йил ичида давлат бошқарув органлари фаолиятига жорий қилиниши кўзда тутилаётган электрон ҳужжат алмашинуви концепцияси ҳақида эслатиб ўтди.



ҳида эътибор қилмоқда. Шу ҳақда “Электронлашган Россия” — инсоният, бизнес ва жамият учун” иккинчи халқаро анжуманида сўз юритилди.

Конференция иштирокчилари дастурий лойиҳаларни бажаришнинг самарали йўллари ҳақида фикр алмашди. Россия алоқа вазири Леонид Рейман ўз нутқида “Ахборот технологиялари ресурсларидан маҳрум бўлган давлат иқтисодий ривожланиши таъминловчи базадан ҳам маҳрум бўлади ва келгусида қолоқликка маҳкумдир”, — дея таъкидлади.

Россия бор имкониятини иқтисодиётни яхшилашга қаратмоқда, айнан шунинг учун ҳам “Электронлашган Россия” дастурига катта умид боғланмоқда.

— Бугунги кунда асосий эътиборни истиқболли ва муҳим лойиҳаларга қаратишимиз, жамият, ҳукумат тизими, иқтисодиётни ахборотлаштиришнинг аниқ технология асосини яратишимиз зарур, — деди Л.Рейман. — Ҳеч қандай амалий натижа бермайдиган умумий режадаги тадқиқотлар энди бизни қониқтирмайди.

“Электронлашган Россия”нинг аниқ дастурий лойиҳалари ҳақида гапираркан, вазир баъзи масалалар, жумладан, яқин уч-

Анжуман давомида қатор ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар ҳам муҳокама қилинди. Булар — давлат, аҳоли регистрини яратиш, қонунчилик соҳасида ахборот тизимини барпо қилиш, нафақат Россия, балки МДХ давлатларини ҳам ўз камровига олган ахборот-маркетинг марказларини ташкил этишдан иборат.

— “Электронлашган Россия” дастурининг амалга таъбиқ қилиниши Россия алоқа вазирига энг муҳим вазифасига айлиб бормоқда, — қўшимча қилди Л.Рейман.

Конференцияда уни амалга оширишнинг 2003-2004 йиллардаги асосий йўналиши Интернетдан оммавий фойдаланиш инфратузилмасини ривожлантириш экани таъкидланди. “Электронлашган ҳукумат” технологиясини ўрганиш, ахборот технологиялари тўғрисидаги оммавий билим даражасини ошириш, меъёрий-ҳуқуқий базани ташкил этиш масалалари ҳам долзарблигича қолмоқда. Буларнинг ижобий ҳал қилиниши Россия ахборот-коммуникация сектори ривожланишини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу анжуманда қўрилган масалалар йил якунига қадар барча еттига федерал округларда ўрганиб чиқилади.

КРУЗЕЙРОГА КОМПЮТЕР

Калугалик ёш йигит ўз компютерини сотишга қарор қилди. Эълондан хабар топиб келган икки нотаниш киши компютер ҳақида евро таклиф қилди. Савдо муваффақиятли амалга оширилди. Аммо кейинроқ маълум бўлишича, компютернинг янги соҳиблари

ишонувчан сотувчига евро ўрнига Бразилия крузейросини “тиктириб” кетишган. Ўспирин яна қўшимча равишда бундан бир неча йил аввал қилганда миллий валюта крузейрдадан реалга алмаштирилганини ҳам билиб улгурди.

Internetdan olindi

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази жамоаси корхонанинг Хоразм радио ва телевидение узатиш маркази бошлиғи

Рафик РАҲМАТУЛЛАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

“Хоразм Телеком” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоаси Хоразм радио ва телевидение узатиш маркази бошлиғи

Рафик РАҲМАТУЛЛАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Xabar” газетаси жамоаси газетанинг собиқ жамоатчилик кенгаши аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Тоғай МУРОДнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Гавҳаршод бегим Шохрух Мирзо никоҳига киргач ундан уч углиу икки қиз курган. Тунгич угли Улуғбек Мирзо курагон, уртанчиси Бойсунгур Мирзо ва кичик угли Муҳаммад Жуки Мирзоларидир.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Гавҳаршод бегим юксак дид ва фаросати, оқила, тадбиркор, гапга чечан, бир сўзи, ҳусн бобида ҳам беназир аёл бўлган. Шохрух Мирзо тақводор булганлиги учун кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутлоасига сарфлар эди. Салтанат ва девон ишларини ўқитиб берди. Зеро, Шохрух Мирзонинг ўзи ҳам хотини Гавҳаршод бегимнинг донолигига тан берар, салтанатни бошқаришда оқилона

маданий жиҳатдан анча гуркираб ўсди. Мамлакат пойтахти Хирот иқтисодий ва маданий юксалишда Шарқнинг энг нуфузли шаҳарларидан бирига айланди. Табиийки, мамлакатнинг бундай юксалишида "амалий ҳукмдор" малика Гавҳаршод бегимнинг ҳиссаси беқийс эди. Бу даврда Хирот ва мамлакатнинг бошқа вилоятларида курилатиш ишлари авж олганди...

1446 йили кексайиб қолган Шохрух Мирзо ўз набираси — Қавзин, Рай ва Қум вилоятларининг ҳукмдори Султон Муҳаммад Мирзога қарши Гавҳаршод бегимнинг қўли билан бўлиб, бу юришдан мақсад узоқимча ёш шахзоданинг адабини бериб қўйиш эди. Ўз бобосига қарши бош кутарган шахзода Ҳамадон билан Исфохонини босиб олиб, Шерозни қамал қилганди. Қўшиқда малика Гавҳаршод бегим ва Абдуллатиф Мирзо Шохрух Мирзо билан бирга

TARIX

олиб, Хирот томон йўлга тушди. Маликани Жом шаҳрининг яқинидаги Саъдобод мавзеида Алоуд Давла Мирзо кутиб олади. Абдуллатиф Мирзони Хиротта келтириб, Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйишади. Шохрух Мирзонинг жасадини эса Гавҳаршод бегим мадрасасидаги Бойсунгур мақбарасига дафн қиладилар. 1448 йили Хиротни қўлга киритган Улуғбек Мирзо отасининг жасадини Самарқандга келтириб, Гури Амрига дафн этиради.

Шохрух Мирзо вафотидан кейин тахт учун бошланиб кетган қонли можаролар тепасида Гавҳаршод бегим турарди. У невараси Алоуд Давла Мирзони тахт соҳибни қилиш учун макр-хийлалар ишлатса-да, 1450 йили тахтни Алоуд Давланинг укаси

Абулқосим Бобур Мирзо қўлга киритади. 1457 йили Абулқосим Бобур Мирзо Ма ш ҳ а д га қаеда. Саройда катта зиёфат

берилади. Базмада шароб ичиб утирган ҳукмдорнинг аҳволи ўзгариб, беҳол йиқилади. Табиблар муолажаси фойда бермайди ва у 36 ёшида тусатдан вафот этади. Шундан сўнг тахт учун яна узаро кураш бошланади.

Шахзодаларнинг

поиттифоқлигидан фойдаланган Самарқанд ҳукмдори Султон Абусайид Мирзо Хуросонни босиб олади. Султон Абусайид Мирзо Самарқанд тахтини ўзининг катта ўгли Султон Аҳмад Мирзога тошириб, Хиротни ўзининг пойтахти деб эълон қилади.

Гавҳаршод бегим шахзодаларнинг тахт талашшиларидан қарчеган бўлса-да, ободончиликка катта эътибор қаратган, мадрасалар, им толибларига яқиндан ёрдам бериб турган. Айниқса, Алишер Навоий ва Хусайин Бойқароларнинг камол топишларига алоҳида меҳр билан қараган. Султон Абусайид Мирзо Хиротни пойтахт қилганидан сўнг Гавҳаршод бегимни кўп нарсалардан махрум қилади. Бу вақтда малика 80 ёшга яқинлашиб анча кексайиб қолган эди. Шундай бўлсада, малика Хуросон тахтидан ҳали ҳам умидвор эди. Бинобарин, чевараси Султон Иброҳим Мирзони ҳукмдор Султон Абусайид Мирзога қарши исён кутаришга ундайди. Гавҳаршод бегимнинг бу ҳаракатидан хабар тошган Султон Абусайид Мирзо маликани рўзадор бўлишига қарамай чопиб ташлашга фармон беради. Фармонга мувофиқ 1457 йили Гавҳаршод бегим чопиб уддирилади ва ўзи қурдирган мадраса ёнидаги Бойсунгур даҳмасига дафн этилади.

Бундай адолатсиз ҳукм кўпчилики рағбатсиз, албатта. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандий шундай ёзганди: "Замон бонуси, жаҳон маликаси... Гавҳаршод бегим балад мартабали, покиза, пок, хатти-ҳаракати одилона, олийқиммат ва улуг мақсади бир малика эди. Бу машҳур маликадан ёруғ оламда кўп хайрли ишлар, ёдгорликлар қолди".

И.ОМОНОВ тайёрлади

1 IYUN — XALQARO BOLALARNI HIMOYA QILISH KUNI



Ўзбекистон бир чаман, Бизлар гулгунчасимиз. Озодликнинг қушигини, Қуйлар булбулчасимиз.

ГАВҲАРШОД БЕГИМ

Гавҳаршод бегим Чигатой зодагонларидан **Ғиёсиддин Тархонинг қизи бўлиб, Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шохрух Мирзонинг сукулни катта хотини эди. Ривоят қилишларича, Ғиёсиддин Тархонинг бобокалони ўз даврида Чингизхон мулозиматида бўлган ва бир жангда уни ўлимдан сақлаб қолган экан. Шу сабаб Чигатой улусида бу авлод юксак эътибор ва ҳурматга эришганди.**

Шохрух Мирзонинг ҳарбий юришларида иштирок этган Гавҳаршод бегим шахзодалар феъ-л-авори ва ҳарбий бошлиқларнинг хатти-ҳаракатидан воқиф эди.

Тахтга валиаҳд тайинлаш масаласида ҳам Гавҳаршод бегим ўз сўзини ўтказишга уринади. Чунинчи Шохрух Мирзо ўзининг кенжа ўғли Муҳаммад Жуки Мирзони валиаҳд этмоқчи бўлади. Аммо Шохрух Мирзонинг бу режаси маликага ёқмайди. Малика ўз ўлигига нисбатан набираси Алоуд Давла Мирзонинг валиаҳдликка муносиб деб билади, бироқ Бойсунгур Мирзонинг бу ўлини ошқора валиаҳд этиб тайинлашга Улуғбек Мирзодан ҳайқиданлиги боис, бу масалани Шохрух Мирзо кўли билан ҳал қилишга уринади.

1444 йили Шохрух Мирзо отир бегоб бўлиб, улим тўшаида ётганида Балах вилояти ҳокими Муҳаммад Жуки Мирзога шошилинч хабар юборадилар. Шахзода зудлик билан Хиротта етиб келади. Бироқ шахзода етиб келгунча онаси — малика Гавҳаршод бегимнинг Фармонига мувофиқ, ҳарбий қўшинлар сардори Жалолиддин Ферузшохнинг валиаҳдликка тайинланган Алоуд Давла Мирзога байъат бериб, қасамда қилгани хақидаги хабарни эшиттади. Муҳаммад Жуки Мирзо онасининг бундай "марҳамати"дан қаттиқ ранжийди ва отасини зиёрат қилгач, Балахга қайтиб кетади. Шундан сўнг тез кунда Шохрух Мирзо тузалиб, ўридан туради. Бу воқеа учун Гавҳаршод бегим эмас, Жалолиддин Ферузшох жазоланади. Маликанинг режаси тақдир тақозоси билан бир неча йилга орқага сурилади. 1445 йили шахзода Муҳаммад Жуки Мирзо касал бўлиб вафот этади. Шохрух Мирзо шу бўйи ўзига валиаҳд тайинлаш масаласида умрининг охиригача бир қарорга келолмайди.

Шохрух Мирзо даврида Хуросон сиёсий-иқтисодий ва

эдилар. Шохрух Мирзо Гавҳаршод бегимнинг қизи бўлиб, Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шохрух Мирзонинг сукулни катта хотини эди. Ривоят қилишларича, Ғиёсиддин Тархонинг бобокалони ўз даврида Чингизхон мулозиматида бўлган ва бир жангда уни ўлимдан сақлаб қолган экан. Шу сабаб Чигатой улусида бу авлод юксак эътибор ва ҳурматга эришганди.

Шероздан Хиротта қайтаётган Шохрух Мирзо йўлда бетоб бўлиб, 1447 йил, 12 мартда вафот этади. Гавҳаршод бегим қўшин қўмондонлигини Абдуллатиф Мирзога тоширади. Аммо Хиротта — Алоуд Давла Мирзога "пойтахтни мустоҳкамлаш" ҳақида махфий мактуб ёзиб, уни махсус чопар орқали жўнатади. Бундан оғох бўлган Абдуллатиф Мирзо буниси Гавҳаршод бегимни махбуслиқда сақлаб, Амударё томон йўл олади ҳамда бобоси Шохрух Мирзонинг улими ҳақида ўз отаси Улуғбек Мирзога хабар юборади.

Амакиси Улуғбек Мирзодан ҳайқидан Алоуд Давла Мирзо ўзини подшо деб эълон қилишга журъат этмайди ва аввалгидек жума кунлари масжидларда бобоси Шохрух Мирзо номини тўтбага қўшиб ўқитади. Бироқ Абдуллатиф Мирзонинг кирдикорлари, айниқса буниси Гавҳаршод бегимга нисбатан қўллаган жазосини эшитпач, тахтни ўз тасарруфига олади. Хазинадан қўшин ҳамда қўшин бошлиқларига инъомлар улашиб, Абдуллатиф Мирзога қарши куч тўплайди.

1447 йил, 29 апрел кuni Абдуллатиф Мирзо Нишопур яқинида тусатдан Алоуд Давла Мирзо қўшинига дуч келиб, мағлубиятга учрайди ва ўзи асир олинади. Махбуслиқдан озод қилинган малика Махбус Абдуллатиф Мирзони ўзи билан бирга

XANDALAR

Қизча нонушта пайтида нимадир демоқчи бўлди. Аммо ойиси уни жеркиб берди:

— Овқатланаётганда гапирмайди!

Нонушта тугагач, сўради:

— Нима дейсан, гапир энди?

— Дадамнинг қўйлаги устида дазмонли ўчирмай қолдирдингиз.

Дарсга кечикиб келган ўқувчига ўқитувчиси деди:

— Фақат илтимос, "келаятганимда машина устимга лой сачрашиб кетди, сўнг кийимимни алмаштириб келаятман?" деган баҳонангни яна қила кўрма.

Ўқувчи жилмайди:

— Демак, шундай бўлганини қўрибсиз-да.

— Муштлашишдан келган фойдани кўрдингми, — деди ота ўлигига. — Кийимларингга қараб бўлмайди. Энди сенга янгисини сотиб олишим керак.

— Хафа бўлманг, дада, Холиквойнинг аҳволини бир кўрсангиз эди, — деди ўғил. — Унинг отаси ўзига бошқа ўғил сотиб олса, ажабмас.

Ўқитувчи:

— Оддий электр токи билан чақмоқнинг ўртасида қандай фарқ бор?

Ўқувчи:

— Чақмоқ текинга ёритса, электрга пул тўла керак.

— Нега бир оёгингга қора, бир оёгингга оқ туфли кийиб олдинг. Бор алмаштириб кел.

— Уйда ҳам худди шунақа туфлим бор.

BILASIZMI?

● Айни пайтда дунё бўйича 600 миллионга яқин киши очликдан азоб чеқмоқда.

● 2015 йили дунё аҳолиси 7,2 миллиард нафарга етади. Яна беш йилдан сўнг шаҳарларда яшовчи кишилар сони 4 миллиард нафарга етади. Шаҳарликлар ер юзи аҳолисининг 60 фоизини ташкил этади.

● Тахминларга қараганда, компютер ўйини бозори ҳажми

2005 йили 13,1 миллиард долларни ташкил этади.

● Ёзувчи Волтернинг жасади XIX асрда қабрдан ўғирлаб кетилган ва қайтиб топилмаган.

● Дунёдаги энг узун алифбе Камбожча алифбеси бўлиб, унда 74 та ҳарф бор.

● Африка қитъасида мингдан ортиқ тилда сўзлашилади.

МУАССИС:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир вазифини бажарувчи: **Иззат АХМЕДОВ**

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Алишер ХУҲАЕВ,
Шўхрат ЖАББОР,
Шодмон ОТАБЕК
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирғўлнат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

Маълумлик: 700000, Тошкент-35,
А.Толстой кўчаси, 1-уй.
Тел.: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
Nabar@sci.uz
Индекс: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўлига 00011 рақам билан рўйхатга олинган.
Бюроми №Г-424.
8934 нускада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табак,
Газета тахририят компютер базасида терилди ва сақланганди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ

Манзил: Тошкент шаҳри, «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
Матн тўрувчи: Д.МАТКУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОВ

Босишга топшириди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00